



ТА'ЛИМ, ФАН ВА INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-
услубий журнал
1996 йилда ташкил этилган.

2020/3-son

Тахрир хайъати раиси:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги Маджидов И.У.

Тахрир хайъати раиси
ўринбосарлари:

Саломов Ў.Р.

Бегимкулов У.Ш.

Бузрукхонов С.М.

Бош муҳаррир:

Ҳақимов З.Т.

Олий таълимни ривожлан-тириш
тадқиқотлари ва илғор

технологияларни татбиқ этиш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари

Эсанов М.Х.

Тахрир хайъати аъзолари

Рихсимбаев О.Қ.

Исмаилов Б.М.

Базаров О.Х.

Ибрагимов И.У.

Тажиев М.

Баходирова Г.К.

Марахимов А.Р.

Туробжонов С.М.

Шарипов К.А.

Умурзақов Ў.П.

Халмурадов Р.И.

Мадияров Н.К.

Кодиров М.К.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

Акбаров Х.А., Рихсиева Г.Ш.

Бабашев Ф.А., Каримов К.Х.

Ризаев Ж.А., Кудратхаджаев Ш.Т.

Усмонов Б.Ш., Сирожидинов Ш.С.

Тешабаев Т.З., Ходжиев М.Т.

Қосимхўжаев У., Абдурахманов Қ.Х.

Тошқулов А.Х., Абдуллаев Б.И.

Жабборов Н.М., Жаров В.К.

Жумомуротов М.А.

Тахририят:

Тоғжиев М.-масъул муҳаррир,

Усманова Д.-дизайнер

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

MUNDARIJA

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Д.Х.Нарзикулова. Оилада ижтимоий низоларнинг
тамойиллари, фарзанд тарбиясига таъсири.....3

В.Д.Parmonova. Enhancing the education system after the
global pandemic period.....6

Р.К.Мусурманов., Ш.Т.Холикулов., М.Қ.Қодиров. Олий
таълимнинг ўқув-услубий таъминоти муаммолари
хусусида.....9

Ш.Хошимова. Дифференцияллашган ёндашув асосида
профессионал таълими ўқитувчиларини тайёрлаш
самарадорлиги.....15

ЁШЛАРДА ОДОБИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЭСТЕТИК КЎРИНИШГА ЭРИШИШ

М.М.Султанова. Талаба-ёшлар маънавиятини юксалтириш
механизмлари.....19

Н.Нурматова. Ўқувчи-қизларни ижтимоий фаоллигини
ошириш-барча ислохотлар самарадорлигининг
кафолатидир.....23

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ

М.Н.Mahmudova. Nutqiy muloqot madaniyatini
shakllantirishda audiovizual vositalarning ahamiyati.....26

Ж.Мустофокулов, А.Ҳамзаев. Сўнувчи механик
тебранишларнинг математик таҳлили учун самарали
педагогик технология.....30


Г.Кушакова. Ёшларда толерантлик тафаккурини
шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари.....33

Д.Г.Мухамедова. Психодиагностическое обследование и
развитие саморегуляции у студентов.....38

Н.Т.Қолқанов. Ўзбекистоннинг халқаро имижини
шакллантириш омиллари.....43

Ф.Р.Раджабова. Корхона ва ташкилотларда лидерлик
компетенциясини ривожлантириш механизмлари.....48

Б.Х.Ҳакимжонов. Ўзбекистон тарихини ўрганиш



1-расм. Силжишнинг вақт бўйича ўзгариш графиги

1-расмда пружинали маятникнинг юқорида берилган параметрлари учун координата (силжиш)нинг вақт бўйича ўзгариш графиги “Maple” дастурида “plot” функцияси ёрдамида чизилган. Ушбу функция орқали берилган параметрларнинг турли қийматлари учун тебранишнинг характерловчи катталиклар ўзгаришини график кўринишда тасвирлаш ва таққослама хулосалар қилиш имконияти мавжуд бўлади. Графикдан кўринадики, маятник сўнувчи тебранма ҳаракат қилганда тебраниш амплитудаси босқичма-босқич камайиб боради

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ж.Мустофокулов, Ш.Қаршибоев. Гармоник тебранишларнинг математик модели

ва уни ёритишда инновацион технология. Замонавий ўқитувчининг касбий фаолиятига инновацион ёндашувлар. Халқаро илмий-амалий конф. материаллари. Наманган, 2020 й., 5 октябр.

2.А.А.Детлаф, Б.М.Яворский. Курс физики. Москва “Высшая школа” 1989 г., 608 ст.

3.Т.И.Трофимова. Курс физики. Москва. “Высшая школа” 1985 г.

4.Х. Кухлинг. Справочник по физике. Москва. “МИР” 1982 г., 506 ст.

5.Н.С.Пискунов. Дифференциал ва интеграл ҳисоб. Иккинчи том, Тошкент, Ўқитувчи. 1974 й., 606 б.

*Г.Кушакова- катта ўқитувчи
А.Қодирий номли ЖДПИ*

ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация

Толерантлик тафаккури инсонларнинг турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маънавий, руҳий муносабатларини уларнинг миллати, irqи, насл-насаби, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодига қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини англатади. Тарихий шаклланишига кўра толерантлик динларга бўлган ҳолис муносабат, динларни бир-бирдан устун қўймаслик, уларни ажратмаслик, бир-бирига қарши қўймаслик, эътиқодига ҳурмат билан қараш, шунингдек, бошқа динлар зояларини зўравонлик билан

синдиришига уринмаслик, динсизлар, яъни дахрийлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби моҳиятан зарур бўлган ғояларни ўз ичига қамраб олади.

Калим сўзлари. Толерантлик, тафаккур, инсон, бағрикенглик, маданият, дин, ҳурмат

НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЕ ТОЛЕРАНТНОГО МЫШЛЕНИЯ У МОЛОДЕЖИ

Аннотация

Мышление толерантности относится к принципам уравнивания различных экономических, социальных, политических, идеологических, духовных и духовных отношений людей независимо от их национальности, расы, происхождения, экономического статуса, религии и убеждений. По своему историческому формированию толерантность - это, по сути, объективное отношение к религиям, недискриминация, недискриминация, уважение своей веры, а также ненасилие других религий, уважение прав атеистов. охватывает существующие идеи.

Ключевые слова. Терпимость, мышление, человек, толерантность, культура, религия, уважение

SCIENTIFIC AND PEDAGOGICAL FOUNDATIONS FOR THE FORMATION OF TOLERANT THINKING AMONG YOUNG PEOPLE

Annotation

Tolerance thinking refers to the principles of balancing various economic, social, political, ideological, spiritual and spiritual relationships of people regardless of their nationality, race, origin, economic status, religion and beliefs. According to its historical formation, tolerance is, in fact, an objective attitude towards religions, non-discrimination, non-discrimination, respect for one's faith, as well as non-violence of other religions, respect for the rights of atheists. covers existing ideas.

Keywords. Tolerance, thinking, human, tolerance, culture, religion, respect

Тарихий жиҳатдан толерантлик инсонларга ёрдам бериш, ҳамдардлик кўрсатиш, уларга фойдали бўла олиш хусусиятлари асосида Шарқ цивилизацияси таркибида шаклланган. Қадимги Хитой, Ҳинд, Миср, Зардуштийлик маданиятларидида шакллантирилган бағрикенглик ғоялари кейинчалик ислом фалсафаси орқали ижодий ўзлаштирилган. Ислом маданиятининг Ғарб илғор тафаккурига таъсири орқали бағрикенглик Ренессанс даврининг инсонпарварлик ғоялари асосида янгидан шакллантирилган.

Хитой маданиятида толерантлик бошқаларга нисбатан самимий муносабатни қабул қилиш ва меҳрибон бўла олишликни билдирган. Араб ва мусулмон маданиятида толерантлик “тасамул” тушунчасига мос келиб, кечиримли бўлиш, юмшоқ кўнгиллик, меҳрибонлик, хайри-хоҳлик, сабр-қаноат, бошқаларга нисбатан ҳурматли муносабатни англатади. Дунё динлари ичидида буддизм

толерантликни атрофидагиларни ҳурмат қилиш, меҳрибон бўлиш, ўз сўзиустидида туриш, бировларга худди ўзидек иззатли бўлиш маъноларини англатади. Конфуцианлик толерантликни “Ўзингга нисбатан хоҳламаган нарсаларни бировларга ҳам раво кўрма” ақидаси асосига куради. Ана шундай ғояни христианлик, индуизм, жайнизм ва бошқа диний конфессияларда ҳам кўриш мумкин. “Бирортангиз ўз биродарингизни ўзингиздек яхши кўрмасдан туриб, эътиқодли бўлолмайсиз” деган ақидада ислом динидаги толерантлик тушунчасининг асосий ғояси ётади.

Ўзбекларнинг миллий қадриятлари таркибида энг қадимги даврлардан бошлаб ҳар доим толерантлик, хусусан, маданий ва диний бағрикенглик тушунчалари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олган:

– одамларга уларнинг ёши, миллати, ирқи, жинси, молиявий аҳволи, насл-

насабидан қатъи назар бир хил муносабатда бўлиш;

– атрофидагилара нисбатан ҳурматда бўлишни инсон маданияти ва тарбияланганлигининг муҳим белгиси сифатида баҳолаш;

–“комил инсон” тушунчаси доирасига унинг кенг феъллилиги, ўзгаларга яхши муносабат кўрсата олиши, бошқа динлар ва урф-одатларни ҳурмат қилишга тайёрлигини киритиш;

– тарихий жараёнларда ҳар вақт ўзга маданиятлар, миллий урф-одатларнинг энг яхши томонларини миллий маданият замирига сингдириш.

Ўзбек миллатининг этик-эстетик, ахлоқ-одоб, маънавий-маърифий, фалса-фий қадриятлари тизимида толерантлик ғоялари энг қадимги даврлардан бошлаб ўзига хос тарзда шакллантирилган. Ўзбекларнинг миллий анъаналарида толерантлик тушунчаси анча кенг ва асосли тарзда тушунтирилган ва авлодлар тарбиясининг муҳим омилларидан бири саналган. Толерантлик тушунчасида инсон ахлоқига оид раҳмдиллик, сабр-бардошли бўлиш, иззат-ҳурмат ва меҳр-мурувваткўрсата олиш каби сифатлар анъанавий хусусиятга эга бўлган. Толерантликнинг тарихий илдизлари энг қадимги давр “Авесто”, “Ўрхун-Энасой битиклари”, “Сўғд ёзувлари” каби адабий ёдгорликларда шакллантирилган ва инсон одоби, унинг маънавий-руҳий ақидаларининг зарур талабига айланган. “Қатгани ҳурмат қилиш, кичикка иззат билан қараш” ўзбекларнинг миллий ахлоқий талабларидан ҳисобланган.

Ўзбек халқи миллий қадриятлари тизимида толерантлик тушунчаси таркибига анъанавий тарзда қуйидаги инсоний хислатлар ва тафаккур қирралари киритилганлиги ва шакллантирилганлиги маълум бўлди.

Мустақиллик йилларида толе-рантлик тушунчаси, хусусан, диний бағрикенглик баркамол шахс тарбиясининг узвий қисми сифатида эътироф этилмоқда. Баркамол шахс тарбиясига қаратилган гуманитар ахлоқий сифатлар таркибида толерантлик ва унинг унсурларини ишлаб чиқиш ва талқин қилиш долзарб муаммолардан бирига айланди. Бугунги глобализация шароитида

баркамол шахс тарбиясини толерантлик ғояларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Толерантлик ғояларининг илдизи, келиб чиқиш шарт-шароитлари, ҳар бир тарихий даврга хос бўлган хусусиятларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Шунга кўра, тадқиқотимизда баркамол шахсни тарбиялашнинг энг қадимги тамаддунлар даврини толерантлик, яъни примитив бағрикенглик тушунчасининг илк шаклланиш босқичи қилиб белгиладик. Мазкур давр толерантлик тушунчасининг келиб чиқиши ва тараққий этишида бош, фундаментал аҳамият касб этиб, умумбашарий қадриятлар тизими учун асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотда энг қадимги тамаддунлар даврига тегишли бўлган бағрикенглик омилларига қуйидагилар киритилди:

1. Илк цивилизациялар ва шахс комиллигига доир маънавий-маърифий қадриятлар тизими ва бағрикенглик хусусиятлари.

2. Яқин ва Ўрта Шарқ маданиятида шахс комиллиги масалалари ва бағрикенглик талқини.

3. Ғарб цивилизациясида шахс муаммоси: қадимги рим-юнон мада-ниятида шахс омили ва бағрикенглик масалалари.

4. Жаҳон динларидаги шахс камолотига оид қарашлар тизимида диний бағрикенглик омиллари.

Бизнинг фикримизча, бағрикенглик тушунчасининг ахлоқий норма сифатида келиб чиқишидаги кейинги босқич миллий ҳудудий маданиятлар тараққиёти билан боғлиқ бўлган давр ҳисобланади. Бу даврда турли минтақаларда маҳаллий-регионал цивилизациялар вужудга келади. Масалан, қадимги Хитой, қадимги Ҳинд, қадимги Миср, қадимги Грек-Рим цивилизациялари. Уларнинг маънавий-маърифий қадриятлари тизими ичида бағрикенглик тамойиллари аввалги даврга нисбатан янги ва мураккаблашган тарзда ўзини намоён эта бошлайди.

Тадқиқотда қадимги цивилизациялар таркибида инсон ахлоқига оид талаблар таркибида толерантлик тушунчасининг миллий-худудий мазмунига қуйидагилар киритилди:

1. Шахс комиллигига доир миллий қарашлар тизимининг тарихий шаклланиш босқичлари ва бағрикенглик омиллари.

2. “Авесто”, “Сўғд ёзувлари”, “Ўрхун-Энасой” битикларида комил шахсга доир қарашлар ва бағрикенгликка оид таърифлар.

3. Ислом дини ва Мовароуннахр уламолари томонидан ислом маданияти таркибида шакллантирилган комил инсон ғояси хусусиятлари ҳамда унинг таркибида бағрикенглик тамойилларининг ҳал этилиши.

5. Ўрта Осиёда тасаввуф тараққиёти ва “комил инсон” ғояси маданий, диний, дунёвий бағрикенглик асоси сифатида.

6. Темурийлар даври маданиятида комил инсон шахсига қўйилган бағрикенглик талаблари.

7. Маърифатпарварлик ҳаракати ва комиллик асосларида бағрикенглик тамойиллари.

8. Жадидлар ҳаракати ва адабиётида комил шахс белгилари: янги даврда янги мазмундаги бағрикенглик хусусиятлари.

9. Миллий озодлик ҳаракатлари ва комил инсон талаблари: бағрикенглик шахс озодлиги мезони сифатида.

10. Тоталитар тузум ҳукмронлиги даврида шахс ривожига доир шакллантирилган ғоя ва унинг инқирози: интернационализм ва сохта бағрикенглик.

11. Мустақиллик даврида анъанавий “комил инсон” ғоясидан янги замонавий “баркамол шахс” ғоясига ўтилиши ва толерантликнинг педагогик мазмуни кун тартибига қўйилиши.

Қуръони Карим ва ҳадисларда диний бағрикенглик инсон комиллиги хусусияти сифатида эъзозланиши қайд этилади. Ислом дини ва унинг тарихий ривожланиш жараёнлари ўз такомиллиги даврида ҳар доим бошқа маданиятлар ва эътиқодларга ҳурмат билан қараган, уларнинг ижобий томонларини ўзига сингдиришга ҳаракат қилган, ўзи ҳам ўзга маданиятлар ахлоқий қадриятлари шаклланишига ижобий таъсир ўткази олмаган. Диний бағрикенглик, бошқа динларга ҳурмат-эҳтиром, жамият аъзолари ўртасидаги тотувликни эъзозлаш каби масалалар ислом динининг азалий қадриятларидан ҳисобланган.

Диний қадриятлари инсон маданиятининг ўзига хос тарзи сифатида баҳолаш барча босқичларга хос бўлган хусусиятдир. “Ислом динида инсоф, адолат ва инсонпарварлик қоидаларига жуда катта ўрин берилган. Бошқа бир инсонга адолат ва мурувват билан муносабатда бўлиш тарғиб қилинган. Қийинчиликлар даврида хайрихоҳлик, доимо бошқа мусулмонларга ёрдам беришга тайёрлик тарғиб этилган.

Ислом дини тинчликсевар дин деб тан олинади. Тинчлик, тотувлик, барқарорлик, инсонларaro ҳамжиҳатлик ҳам диний, ҳам толерантлик тафаккури доирасида амал қиладиган хусусиятлардан ҳисобланади. Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳолини бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, ер юзини “обод қилиш”, Тангрининг ердаги барча мавжудотларига нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш инсоннинг асл вазифалари эканлиги ислом динида ҳам, толерантлик тушунчаси доирасида ҳам тарғиб этилади.

Маданиятимиз тараққиётида Ўрта асрлардаги Ренессанс даври (XI– XVII) жуда катта роль ўйнади. Бу давр Ўрта Осиё халқлари маданиятини дунё миқёсида машҳур қилди. Шунингдек, “маданият намуналари билан алмашув, ўзаро маънавий таъсир кучайди. Қадимги ҳинд, эрон, араб, юнон маданий бойликлари қоришиб, адабиётларда “мусулмон маданияти” деб ном олган янги маданий қатлам вужудга келди”.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида махсус равишда бағрикенглик тамойилларига, айниқса, жамиятда унинг аъзолари ўртасидаги тенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлилик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Форобий фикрига кўра, “Маълум халқ ва бутун инсоният тўплаб келган маънавий-миллий мероси, “руҳлари”, яъни шахсларнинг маънавияти, онги миллийлашиб, бир-бири билан кўшилиб боради”[1].

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида таъкидланишича, бошқа халқ, миллатлар қадрини билмаган одам ўз халқи, миллатининг ҳам қадрига етмайди. Олимнинг мазкур фикри бугун ҳам ўз

долзарблиги йўқотмаган бўлиб, толерантлик таркибида миллатлараро, халқлараро муносабатларни тартибга солувчи қонуният сифатида амал қилади [4].

Бугунги кунда ислом дини кадриятларидан манфаатли фойдаланган ҳолда демократик давлат қуришни танлаган жамиятларда ёшларнинг толерантлик тафаккурини шакллантиришдаги тарбия тамойиллари ва омилларини қуйидагилардан иборат қилиб белгилаш мумкин:

– дунёвий давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни цивилизация талаблари асосида тушунтириш;

–дин замонавий фуқаролик жамиятининг тўла ҳуқуқли таркибий қисми эканлигини англатиш;

–соф диний, хусусан, исломий билимлар, уларни тарихийлик, қиёсийлик ва танқидийлик асосида шарҳлашга ўргатиш;

–динлар тарихини тўғри ва илмий ривожлантириш;

– ислом дини таркибидаги толерантлик тафаккурининг эволюцион таракқиётини амалий ва назарий билимлар мажмуи сифатида сингдириш;

– маънавий билимлар мажмуи сирасида диний-ахлоқий билим, кўникма ва нормаларнинг ўрнини тўғри баҳолашга ўргатиш.

Тарих фанлари доктори, Россия ФАнинг антропология ва этнология институти директори Валерий Тишковнинг фикрича: “Толерантлик – мен учун маданияти бошқа, маданияти ўзгаларга бўлган қизиқиш, ҳурмат ва ҳамдардликдир. Толерантлик “сабр” ва “бағрикенгликдан” нимаси билан фарқ қилиши борасидабир мисол келтираман. Сабрли, бағрикенгли муносабат, бу менинг черковим ёнида, мусулмонлар мачити ва яҳудийларнинг синагогаси кетма-кет жойлашса-ю, мени азобламаса, бу сабрли муносабатдир, аммо ҳали толерантлик эмас. Толерантлик, мен, яъни христиан билан яҳудий бирлашиб, мусулмон мачитининг қурилишига ҳашар билан ёрдам берсак, ана шу чин толерантлик бўлади. Толерантлик, ўзга мазмунини ўзиникидек қабул қила олиш фалсафасидир”[5].

Толерантлик тушунчаси қадимданок бировларни ўзидек билиш, ўзгаларга озор

етказмаслик, ўзгалар ҳис-туйғуларига қулоқ тутиш ва диққат қилиш, ўзгаларни англашга саъй-ҳаракат ақидалари асосига қурилган.

Бинобарин, толерантлик, аниқроғи бағрикенглик тамойиллари ҳар бир дин таркибида энг қадимги давлардан бошлаб амал қилиб келган. Маълумки, Ўрта асрларда дин омилининг тарбиявий аҳамияти жуда юксак бўлиб, у инсонларнинг ахлоқий жиҳатдан маълум тартиб ва нормалар асосида шаклланиши учун асоссифатида хизмат қилган. Бағрикенглик инсон маънавий-маърифий кадриятларининг бир бўлаги, унинг узвий таркибий қисми сифатида талқин қилинган. Ўзгаларга бесабаб ёрдам бермаслик, уларга нисбатан бағрикенгликни намойиш этмаслик гуноҳ саналган. Бу эса дин омилининг бағрикенглик тамойилларини инсонлар онгига сингиши учун саъй-ҳаракат қилганлигини кўрсатувчи хусусият ҳисобланади. Дин ҳам тарғибот, ҳам тушунтириш, ҳам рағбатлантириш, ҳам жазолаш орқали бағрикенглик ғояларининг тарқалишига эришган. Демак, дин омили бағрикенглик тамойилларининг амалий бўлиши учун турли педагогик, яъни таъсир этиш ва шакллантириш усулларидан фойдаланган. Улардан: тарғиб-ташвиқ қилиш, тушунтириш, англатиш, рағбатлаштириш ва жазолаш кабилар қўлланилган. Дин узоқ йиллар давомида, яънисинф-гурух ва ўқитиш тизими вужудга келгунига қадар толерантлик бўйича билим, кўникма вამалакаларни таркиб топтирувчи бош институт бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.* –Т.: Халқ мероси, 1993. Б. 224.
2. *Закруллаев А.Фоялар кураши.* –Т.:Мовароуннаҳр, 2000. -95 б.
3. *Нишонова С. Комил инсон тарбияси.* – Т.: Истиқлол. 2003. -224 б.
4. *Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/ Танланган асарлари.Т. 1. – Т. : Фан, 1968. - 486 б.*
5. *Тишков В.А. Этнография как фактор нестабильности северный кавказ. М.:2000 – с. 4.*